



ISSUES OF THE CURRENT STATE OF THEFT CRIME AND IMPROVING ITS PREVENTION

Abdulkhaev Abdulhamid Abdumutalovich

Senior lecturer of the Department of Management Sciences, Master's degree of the Academy of the IIV, Lieutenant Colonel

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10892951>

ARTICLE INFO

Received: 22th March 2024

Accepted: 28th March 2024

Online: 29th March 2024

KEYWORDS

Crime, prevention, law system, code, offense, attitude, problem, theft.

ABSTRACT

This article provides feedback and reflections on the current state of theft crime and its prevention as well as the issue of improving this process.

ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО СОСТОЯНИЯ ВОРОВСКОЙ ПРЕСТУПНОСТИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЕЕ ПРОФИЛАКТИКИ

Абдулхаев Абдулхамид Абдумуталович

Старший преподаватель кафедры управленческих наук, магистратура Академии МВД,
подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10892951>

ARTICLE INFO

Received: 22th March 2024

Accepted: 28th March 2024

Online: 29th March 2024

KEYWORDS

Преступность, профилактика, правовая система, кодекс, правонарушение, отношение, проблема, кражи.

ABSTRACT

В этой статье представлены отзывы и размышления о текущем состоянии краж и их предотвращении, а также о том, как улучшить этот процесс.

ХОЗИРГИ КУНДАГИ ЎФИРЛИК ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ АҲВОЛИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдулхаев Абдулхамид Абдумуталович

ИИВ Академияси магистратураси Бошқарув фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,
подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10892951>

ARTICLE INFO

Received: 22th March 2024

Accepted: 28th March 2024

Online: 29th March 2024

KEYWORDS

ABSTRACT

Уишу мақолада ҳозирги қундаги ўғирлик жиноятчилигининг аҳволи ва уни олдини олиш шунингдек, уишу жараённи такомиллаштириши



Жиноятчилик,
профилактика, хуқуқ
тизими, кодекс,
хуқуқбузарлик, муносабат,
муаммо, ўғирлик.

масаласи ҳақида фикр ва мулодазалар келтирилган.

Ҳар бир давлат бор эканки, ўз хуқуқ тизими ва қонунлари мавжуд. Барча фуқаролар белгиланган қонунларга бирдек амал қилиши ва бошқаларнинг хуқуқларига путур етказмаслиги лозим. Бу давлатнинг ривожи ва тинчлиги учун энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Қонундан четга чиқиш эса хуқуқбузарликни келтириб чиқаради. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар содир этилган хуқуқбузарликка қарши курашишади: айборни топишади, сўроқ қилишади, сабабларни аниқлашади ва ҳоказо. Бунинг учун кўп маблағ ва ишчи кучи керак бўлади. Шу сабаб хуқуқбузарлик содир бўлишидан аввал уни олдини олган маъқул. Бундай ҳолатда хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳаси бизга ёрдамга келади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг ҳар бир чиқишиларида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратиб берган ҳолатларни аниқлаш, айниқса тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида урғу қаратишни кўп бора таъкидлаб келмоқда. Барчамизга маълумки, хуқуқбузарлик ижтимоий маънода жамият, фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг хуқуқ ва манфаатларига хавф туғдиришга қодир хулқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштиради ва уларнинг бузилишига сабаб бўлади. Бунинг оқибатида жамиятда турли даражадаги кўнгилсизликлар юз бера бошлайди ва жамият ўз-ўзидан таназзулга юз тутади.

“Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умум эътироф этилган.”^[1] Бу - ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда хуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган «жиноятчиликнинг олдини олиш», «профилактика қилиш», «оғоҳлантириш», «тўхтатиши», «барҳам бериш» каби атамалар нафақат маҳсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек матбуотда ҳам кўп учрайди.

Ҳозирги мураккаб шароитда жиноятчилик масаласи кўп қиррали ҳамкорликни тақозо этадиган долзарб муаммога айланди. Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимиз миллий тажрибасида жиноятчиликка қарши курашиш ва хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича самарали тизим яратилгани муҳим аҳамият касб этади.

«Жиноятлар профилактикаси» тушунчасининг таърифи унинг асосий ва ўзига хос таркибий элементлари ёки қисмларини ажратишни назарда тутади. Бундай чуқур таҳлилсиз умумий тушунчани тавсифлаш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, жиноятлар профилактикаси, энг аввало, ҳаракатни (ҳаракатлар мажмuinи) ёки мувофиқлаштирилган ҳаракатлар тизимини, яъни муайян ижтимоий субъектларнинг жиноятни вужудга келтирувчи шарт-шароит ва сабабларга барҳам бериш ёки уларни



нейтраллаштириш мақсадида муайян нарсалар ва ҳодисаларга (омилларга) таъсир кўрсатиш бўйича фаолиятини англатади.

“Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши қурашишнинг асосийchorаси оилани мустаҳкамлаш, унинг маънавий-руҳий муҳитини яхшилашдан иборатдир, чунки болалар оиласидаги психоз-травматик шароитлардан, оиласий низолардан, ота-оналарнинг меҳрсизлиги ва тушумовчилигидан, уларнинг шафқатсизлиги ёки лоқайдлигидан қочишади.”[\[2\]](#) Ижтимоий-педагогик чоратадбирлар уйсизлик сабабларини олдини олишга ёрдам берадиган сабаблар ва шароитларни аниқлаш ва олдини олишга қаратилган уйсизликнинг олдини олишни ўз ичига олади.

Хозирги кунда бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий тузилмага айлантириш мақсадида мустаҳкам ҳуқуқий баъза яратилган аммо профилактика амалиётида ҳуқуқий тавсифнинг мавжуд эмаслиги, ҳуқуқий нормалардан фойдаланишда прокуратура, адлия, ички ишлар ва суд органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятида ягона ёндашув йўқлигидан далолат беради Ўзбекистон Республикаси Президент Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлис Сенатида сўзлаган маъруzasida "Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши қурашиш ҳақида тўхталиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши қурашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширилганлигини аммо соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек мурожаатда, ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 мингдан ортиқ шахснинг 12 минг нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этганлиги ва бу кўрсаткич Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 39 фоизни, Андижон ва Наманган вилоятларида 38 фоиздан ошганлиги ва ушбу ташвишли аҳвол бўйича юқорида номи қайд этилган ҳудудларда Сенатнинг сайёр мажлислари ўтказилиб, бу масала жиддий муҳокама қилинмаганлиги қўшимча қилиб ўтилган.

Жиноятлар профилактикаси ёки жиноятларнинг олдини олиш - давлат органлари (шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш, уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чоратадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятидир. “Профилактика тушунчасига берилган умумий таъриф ҳар бир муайян ҳолатда уни жиноятларнинг ҳар хил тоифалари ва турларига (давлатга қарши жиноятлар, ўзгалар мулкига қарши қаратилган жиноятлар, шахсга қарши қаратилган жиноятлар, жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва ҳ.к.) нисбатан, профилактик таъсир кўрсатиш субъектининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, таъсир кўрсатиш чоратадбирлари ва воситаларидан ёки профилактика объективнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб муайянлаштириш имконини беради.”[\[3\]](#)



Жиноятчиликка қарши қураш борасидаги дунё амалиёти шундан далолат бериб турибдики, ҳеч қайси мамлакат фақатгина жиноятчиларни жазолаб, жиноятчиликка барҳам бериш борасидаги кўзланган натижаларга эриша олмаган.

Жиноятчиликка қарши қурашни амалга оширишда жиноятчиликни таг-томири билан бутунлай тугатиш мақсади ҳаққоний эмас, жиноятчиликнинг ҳолати ва унга қарши қураш шарт-шароитларидан кўриниб турибдики, у баъзан самарали, баъзан эса бесамара ўтказилиши мумкин". Чамаси ўғирлик жиноятини бутунлай йўқ қилиш ниҳоятда мураккаб ва тўла амалга ошмайдиган орзу бўлса керак. Бундан кўриниб турибдики, жиноятчиликка қарши қурашгандан кўра уларни олдини олган анча самарали йўл ҳисобланади. Дунё ҳамжамияти жиноятчиликка қарши қурашнинг ўзига хос бўлган самарали сиёсатини татбиқ этиш ҳақида қайғурмоқда. Бу борада шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчлик ҳамда инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоялаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ва самарали тизимини йўлга қўйиш муаммолари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

References:

1. Хўжақулов С.Б. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти. - Т.:2017. - Б. 5
2. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишларни давом эттириш керак, деб ҳисоблайди ижтимоий фаолларҳттп://иив.уз/ру/news
3. ОдилқориевХ.Т., ТултееевИ.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар //Хуцуц-Право-Лаш. - 2002. - № 1. - Б. 8
4. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. - Т., 2014. - № 20. - 221-м
5. Толипов Н.М., Рустамбекова Н.Н. Общественная опасность и криминологическая детерминация насильственной преступности несовершеннолетних // Научно-образовательный потенциал молодежи в решении актуальных проблем XXI века. 2021. № 6.
6. Каракетова Д.Й. Безориликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари. Юридик фанлар бо ъйича фалсафа доктори (Достор оғ Пхилосопҳ) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2021, - Б.4 (156);